

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

КЕНЖАЕВ СИРОЖИДДИН РАШИДОВИЧ

**МИОКАРД ИНФАРКТИНИ КЛИНИК КЕЧИШИ, РЕМОДЕЛЛАНИШ,
БАШОРАТЛАШДА МИОКАРД СТАННИНГИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА
ПАТОГЕНЕТИК ТЕРАПИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Кенжаев Сирожиддин Рашидович

Миокард инфарктини клиник кечиши, ремоделланиш, башоратлашда миокард станнингининг аҳамияти ва патогенетик терапия имкониятлари..... 3

Кенжаев Сирожиддин Рашидович

Значение миокардиального стуннинга в клиническом течении, ремоделировании, прогнозе инфаркта миокарда и возможности патогенетической терапии..... 33

Kenjaev Sirojiddin Rashidovich

Significance of myocardial stunning in the clinical course, remodeling, prognosis of myocardial infarction and the possibility of pathogenetic therapy..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 67

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

КЕНЖАЕВ СИРОЖИДДИН РАШИДОВИЧ

**МИОКАРД ИНФАРКТИНИ КЛИНИК КЕЧИШИ, РЕМОДЕЛЛАНИШ,
БАШОРАТЛАШДА МИОКАРД СТАННИНГИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА
ПАТОГЕНЕТИК ТЕРАПИЯ ИМКОНИАТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Tib555 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Аляви Анис Лутфуллаевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: **Гадаев Абдугаффор Гадаевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Розиходжаева Гулнора Ахмедовна
тиббиёт фанлари доктори

Раимжанов Абдулазиз Абдухафизович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022й «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./факс: (99871) 234-16-67, e-mail: info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./факс: (99871) 234-16-67).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д. Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори профессор, академик

Г.У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ташхисоти ва даволашнинг самарали йўллари излашда охириги йилларда эришилган ютуқларга қарамасдан, ҳозиргача касалланиш ва ўлим структурасида етакчи ўринни эгаллаши билан тавсифланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан ўтказилган юрак ишемик касаллиги глобал тадқиқоти натижасига кўра, бутун дунёда тахминан 1,72% аҳоли ЮИК билан оғрийди (яъни 100000га 1655 ни ташкил этади). Ҳар йили бутун дунёда 9 млн ўлим ЮИК билан боғлиқдир. ST элевацияли миокард инфаркти (STЭМИ) бўйича охириги тавсияномалар маълумотларига кўра «сўнгги ўн йилликларда реперфузия усуллари кенг қўлланилаётганлиги туфайли эрта ва узоқ муддатли ўлимнинг камайишига қарамасдан, кўрсаткичлар ҳали ҳам сезиларли даражада юқориликча (касалхонадаги ўлим 4-12%гача) қолмоқда. Катта ўчоқли МИ ўтказганларнинг 22-46 фоизида кейинги 5 йилда сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиши кузатилмоқда...»¹. Юкорида келтирилган маълумотлар ҳозирги вақтда STЭМИдан кейинги асоратларни ташхислаш ва даволаш муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳонда ЮИКнинг хавфли шакли STЭМИни эрта ташхислаш, даволаш тактикасида янгича ёндашувлар натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада миокард инфаркти билан оғриган беморларни олиб бориш тактикасини мақбуллаштириш, касалликдан кейин станнинг мавжудлигини эрта ташхислаш, ундан кузатилиши мумкин асоратларни олдиндан башоратлашда фойдаланиш, салбий ремоделланиш ривожланишини олдини олиш, турли фармакологик ва нофармакологик ёндошувларнинг таъсирини баҳолаш, даволаш самарадорлиги ошириш, ногиронликни камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва давомийлигини узайтириш учун асоратлар ривожланишини эрта аниқлаш, ҳамда даволаш усуллари такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли юрак-қон томир касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Мамлакатимизда

¹ 2017 ESC Guidelines for the management of acute myocardial infarction in patients presenting with ST-segment elevation: The Task Force for the management of acute myocardial infarction in patients presenting with ST-segment elevation of the European Society of Cardiology (ESC), European Heart Journal, Volume 39, Issue 2, 07 January 2018, Pages 119–177.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли юрак-қон томир касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга, юқори хавф гуруҳига тегишли юрак ишемик хасталиги билан касалланган беморларни шошилиш даволаш услубларини такомиллаштиришга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фаолияти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Чап қоринча ишемик дисфункциясида миокард ҳаётийлиги ревазуляризация учун номзодларда аниқлаш, даволаш натижаларини башорат қилиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Libin Cardiovascular Institute (Канада), Union Hospital, Tongji Medical College, Huazhong University of Science and Technology (Хитой), University of Maryland Medical Center (АҚШ), Rush University Medical Center (АҚШ), Keck School of Medicine (АҚШ), Montefiore Medical Center, Albert Einstein College of Medicine German Centre of Cardiovascular Research (Германия); King's College London (Лондон); University of Glasgow Institute of Cardiovascular and Medical Sciences (Шотландия); Бакулев А.Н. номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги миллий тиббий тадқиқот маркази (Россия), National Medical Research Center of Cardiology (Россия), Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий терапия ва тиббий реабилитация тиббиёт маркази (Ўзбекистон), шунингдек

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.libin.ucalgary.ca; www.whuh.com; www.umms.org; www.rush.edu; www.keck.usc.edu; www.einsteinmed.edu; www.london.ac.uk; www.gla.ac.uk; www.hms.harvard.edu; www.endo-ern.eu; www.medicine.georgetown.edu; www.stonybrookmedicine.edu; www.bakulev.ru; www.cardioweb.ru; www.strazhesko.org.ua; www.emerge-centre.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда юқори хавф гуруҳига тегишли юрак ишемик хасталиги билан касалланган беморларни шошилич равишда даволаш услубларини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: юрак-қон томир касалликларида чап қоринча дисфункцияси фақатгина ўткир миокард ишемияси ёки миокард инфарктидан келиб чиқадиган қайтмас некротик ўзгаришлар оқибати эмас, балки "карахтлашган (станнинг) миокард" деб аталадиган, қайтар миокарднинг дисфункцияси ҳам чап қоринчада жиддий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланган (Harvard Medical School, Boston, АҚШ); қайтар ишемик дисфункция реваскуляризация бўлмаганда юрак ишемик касаллигини прогнози ва кечишини ёмонлаштириши исботланган (Erasmus University medical center Rotterdam, Нидерландия); миокард ҳаётлигини аниқлашда замонавий тасвирлаш усуллари, жумладан эхокардиография, стресс-эхокардиография, магнит-резонанс томография, электрон нурли компьютер томографияси, позитрон эмиссион томографияларнинг юқори сифатли тасвирини олишга имкониятлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Georgetown University School of Medicine, АҚШ); юрак ишемик касаллигининг мураккаб шакллари билан оғриган беморларни даволашда тактикани белгилаш учун миокард ҳаётлигини ташхислаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тасдиқланган (Stony Brook University Medical Center, АҚШ), миокардиал станнинг даволашда турли кардиопротекторлар ва инотроп агентларнинг самараси аниқланган (Академик М.Д. Стражеско номидаги ихтисослаштирилган илмий-клиник кардиология институти, Украина).

Бугунги кунда жаҳонда STэМИ ташхисот усуллари ва даволаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: миокарднинг ҳаётлигини аниқлашда турли визуализация усуллари самарадорлиги аниқлаш; уни чап қоринчанинг салбий ремоделланишни олдиндан башоратлашда ўрнини баҳолаш; турли интервенцион ва хирургик реваскуляризация усуллари самарадорлигини олдиндан башоратлаш; турли хилдаги фармакологик ва нофармакологик ишемик кардиопротекция усуллари чап қоринчанинг станнинг зоналарига ривожланишига, унинг оғир дисфункциясини камайтиришга таъсирини ўрганиш, даволаш ва профилактика усуллари самарасини ошириш, ташхисот усуллари такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда миокард инфарктидан кейинги ЧҚ салбий ремоделланиши ривожланишининг сабаблари ва механизмлари тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб этмоқда (Pfeffer M.A., Braunwald E, 1999. Franz S. ва бошқалар, 2022; Azevedo P.S. ва бошқалар, 2016). VIAMI тадқиқотида миокард инфарктидан кейин миокард станнинги ҳажми, реваскуляризация ва чап қоринча ремоделланиши орасидаги боғлиқлик мавжудлиги кўрсатилган (van Loon R.B ва бошқалар, 2014; Goel P.K., 2014). Миокардиал станнинг ривожланишининг “кислород

парадокси” ва “кальций парадокси” илмий гипотезалари асосланган ва ишлаб чиқилган (Bolli R, Marban E, 1999). Миокардиал станнинг бу реперфузион шикастланиш бир тури ва унинг алоҳида ўзи оғир юрак етишмовчилигига сабаб бўлиши исботланган (Yellon D.M., Hausenloy D, 2007). Реперфузиядан сўнг ЧҚ фаолиятини тикланиши қайтар миокард дисфункцияси ҳажмига ва тож томирларнинг тўлиқ ўтказувчанлигининг тикланганлиги билан боғлиқлиги аниқланган (Bolognese L, 1997; Nijland F, 2002). Миокардни реваскуляризация қилиш усуллари (коронар артерияларни стентлаш билан коронар ангиопластика, АКШ) коронар ва миокард захираларининг жиддий бузилишлари бўлган ЎМИ беморларини даволаш учун истиқболли ҳисобланиши кўрсатилган (Udelson J.E. ва бошқалар, 2011; Kloner R.A., Jennings R.V., 2001).

Ўзбекистонда ҳам ҳаётий миокардни ўрганиш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда, жумладан юрак ишемик касаллигида қайтар дисфункция ривожланиши (Аляви А.Л., Зуфаров М.М., Туляганова Д.К. 2002); юрак ишемик касалликлари ўткир шаклларида турли фармакологик ва юкламали стресс-эхокардиография усуллари солиштирма тахлили ўтказилган, милдронат, лизиноприлнинг ҳаётий миокард зоналарига таъсири самарадорлиги баҳоланган (Кенжаев М.Л. 2012); инфарктга боғлиқ тож томирларда транслюминал баллон ангиопластика бажарилган беморларда миокард ҳаётийлиги ва кейинги ремоделланиш жараёнлари орасидаги боғлиқлик исботланган (Маматкулов Ҳ.А. 2014); тож томирлари стентлашнинг қарақлашган миокардга таъсири самараси баҳоланган (Маджитов Х.Х., Алимов Д.А., 2013). ЎМИнинг турли шаклларидаги кечишининг ўзига ҳослиги, ҳамда унинг оқибатида келиб чиқадиган асоратлар ва самарали даволаш тактикаси кўрсатилган тадқиқотлар етарли эмаслигини кўрсатади.

Юқорида баён қилинганларни ҳисобга олиб, республика шароитида ЮИК беморларнинг оғир тоифаси МИДа, миокардиал станнинг соҳаларини аниқлаш, унинг асосида касаллик асоратларини, салбий ремоделланишни башоратлаш, ушбу зоналарни самарали даволаш йўллари баҳолаш, реваскуляризацияга кўрсатмалар ва тактикани аниқлашда унинг ўрни, ҳамда унинг натижаларини баҳолаш учун ЧҚнинг структур ва функционал хусусиятларини ўрганиш билан кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази томонидан 2017-2018 йилларда «Ўткир миокард инфарктида чап қоринча дезадаптив прогнозлаш алгоритмларини жорий этиш» мавзусидаги ИЗ-2016–0907200406-сонли илмий тадқиқот дастури доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади ST элевацияли МИДа миокард станнинг ҳолатини аниқлаш, ҳамда унинг касаллик клиник кечишидаги, ремоделланиш

дезадаптив турини башоратлашдаги аҳамиятини ўрганиш ва патогенетик даволаш усулларини такомиллаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

СТЭМИда реперфузия натижаларига қараб ЧҚ глобал, регионар, бўйлама қисқарувчанлик ва диастолик функциялари ҳолати, ремоделланиш, митрал регургитация кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш;

СТЭМИ билан оғриган беморларда миокард реперфузиясидан сўнг добутаминнинг кичик дозалари билан стресс-эхокардиография орқали миокард дисфункцияси ҳудудларида станнинг зоналарини аниқлаш;

миокарднинг ҳаётийлигини диагностика қилишнинг муҳим эхокардиографик мезонларини ва уларнинг ревазуляризациядан сўнг чап қоринча фаолиятининг тикланиши олдиндан баҳолаш имкониятларини аниқлаш;

СТЭМИ билан оғриган беморларда миокардиал станнинг мавжудлигига қараб, ЧҚ инфарктдан кейинги ремоделланиш кўрсаткичлари динамикасини баҳолаш;

СТЭМИ билан оғриганларда миокардиал станнинг мавжудлигига қараб, 3 ой мобайнида клиник ва функционал ҳолати хусусиятларини кузатиш;

СТЭМИ билан оғриган беморларда ЧҚ дисфункциясига ҳар хил турдаги реперфузиянинг таъсирини қиёсий таҳлил қилиш, уларнинг миокардиал станнинг ва некроз зоналари ривожланишига таъсирини баҳолаш;

юқори дозадаги аторвастатинни, антиоксидантлар ва ишемик прекоңдиционирланишнинг миокард станнинг зоналарини ривожланишинига таъсирини аниқлаш;

СТЭМИда ЧҚнинг дезадаптив ремоделланиши ривожланишининг энг муҳим эхокардиографик прогностик кўрсаткичларини аниқлаш ва улардан фойдаланган ҳолда прогностик моделни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ST элевацияли МИ ташхиси қўйилган Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази кардиология ва кардиотерапевтик реанимация бўлимларида 2009-2018 йиллар давомида даволанган 302 нафар беморлар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида миокард станнинг зоналарини аниқлаш, унинг ёрдамида дезадаптив ремоделланиш ривожланишини башоратлашда, касалликнинг клиник кечишига ва турли реперфузия усуллари, фармакологик ва нофармакологик прекоңдиционирланиш чап қоринча станнинг ҳудудларига таъсирини баҳолаш учун клиник ва инструментал текширувлар бажарилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, лаборатор текширувлар, электрокардиография, эхокардиография, коронароангиография, добутаминли стресс-эхокардиография, добутаминли стресс-доплер-эхокардиография, статистик тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба, STэМИда реперфузия самарасига қараб, миокардиал станнинг ҳолати баҳоланган, ҳамда ЧҚ глобал ва регионар, бўйлама систолик, диастолик функция, ремоделланиш, митрал регургитация кўрсаткичларини комплекс баҳолаш орқали улар орасида бевосита боғлиқлик исботланган;

миокардиал станнинг ташхисоти учун миокард инфарктида добутаминли стресс-ЭхоКГнинг қисқа протоколи (20 мкг/кг/мингача) қўлланилган ва унинг ремоделланиш турини олдиндан эрта башоратлашда муҳимлиги ва асоратларсиз ўтказилгани сабабли хавфсизлиги исботланган;

илк бор, тадқиқотда эхокардиографик кўрсаткичлар орасидан дастлабки РКБИ>1,57, КДД стресс-ЭхоКГда РКБИ>1,25, КДД стресс-ЭхоКГда ЧҚ ХФ<42% кабилар STэМИда салбий ремоделланишни муҳим башорат қилувчи омиллар эканлиги исботланган;

илк бор, STэМИда миокардиал станнинг ва 3 ойдан кейинги ремоделланиш жараёнларига турли реперфузия усуллари, ҳамда комплекс терапияга юқори дозада аторвастатин ёки кверцетинни қўшилиши ва ишемик прекоңдиционирланишнинг кардиопротектив таъсири исботланган;

кичик дозадаги добутаминли стресс-ЭхоКГда станнинг зоналари аниқланмаганларда 3 ой ичига ОДХ нинг 18% гача, ОСХ 27%гача сезиларли даражада ошиши, яъни салбий ремоделланиш белгилари ва касаллик клиник белгилари оғир систолик дисфункция сабабли зўрайиши кузатилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

добутаминли стресс-эхокардиографияда тўқималарнинг доплерографияси, ЧҚ геометриясини тавсифловчи кўрсаткичлар, митрал регургитацияни ўрганиб миокардиал станнинг ва резервини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

ҳаётий миокардни ташхислаш ва ремоделланиш турини олдиндан башоратлаш учун, STэМИ беморларда касалликнинг 5-8 кунларида кичик дозалардаги добутаминли стресс-эхокардиографияни хавфсиз тарзда, чап қоринчанинг комплекс функционал параметрларини баҳолаб амалга ошириш такомиллаштирилган;

STэМИ билан оғриганларда миокард реперфузияси усулини танлашда ИБКАга стент ўрнатилган ТОКА афзаллиги исботланган, 3 ойгача станнинг зоналари фаолиятини яхшилаш, чап қоринчанинг салбий ремоделланишини ривожланиш хавфини камайтириши учун кверцетин, аторвастатин юқори дозада қўллаб, даволаш чора-тадбирлари такомиллаштирилган;

STэМИда ЧҚнинг дезадаптив ремоделланиши ривожланишининг энг муҳим эхокардиографик прогностик кўрсаткичларини аниқланиб, улардан фойдаланган ҳолда прогностик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал ва биокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида ишлов

берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларини башорат қилиш ва такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, олинган натижаларнинг хулосаси ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, STЭМИ билан оғриган беморларда миокарднинг станнингги ва инфарктдан кейинги ўзгаришлар динамикасини турли хил локализацияда, дори ва эндоваскуляр миокард реперфузиясидан кейин ўрганиш ноқулай чап қоринчани ремоделланишини ривожланишни башорат қилишга ёрдам бериши, миокард станнингги аниқланмаганда 3 ойгача бўлган кузатув даврларида, юракнинг чап камералари бўшлиқларининг кескин гемодинамик жиҳатдан ноқулай кенгайиши ва чап қоринча миокардининг массасининг ортиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, кичик дозали добутамин билан стресс-эхокардиографияни тўқималарнинг доплери, ЧҚ геометриясини тавсифловчи кўрсаткичлар, девор қалинлиги ва систолик қалинлашувнинг фоизи, миокард стресси, сфериклик коэффициенти, митрал регургитация динамикасидан фойдаланиб қарахланган миокардни аниқлашнинг энг мақбул усули эканлиги, уни қўллаш ЧҚ ремоделланиши ҳолатини динамикасини аниқлаш имконини бериши ва турини олдиндан баҳолаб, касаллик асоратларини ўз вақтида комплекс терапияга статинлар ва қверцетин қўшиб даволашни тамойилларини мувофиқлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.

Ўтқир миокард инфарктида миокардиал станнинг ташҳисини замонавий ҳолати ва унинг клиник, прогностик ўрни бўйича тадқиқотлар илмий натижалари асосида:

Ўтқир миокард инфарктида миокардиал станнинг ташҳисини замонавий ҳолати ва унинг клиник, прогностик ўрни бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Шошилиш кардиология амалиётида миокардиал станнингги ташҳисоти ва даволаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 8н-р/1254 сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома миокардиал станнинг эрта ташҳисотини ва даволашни такомиллаштириш, миокард инфаркти ҳаёт учун хавфли асоратларини камайтириш имконини берган;

Ўтқир миокард инфарктида миокардиал станнинг ташҳисини замонавий ҳолати ва унинг клиник, прогностик ўрни бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўтқир миокард инфарктида миокардиал станнинг ташҳисоти ва башоратлашда добутаминли стресс-эхокардиографиянинг ўрни» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 28 мартдаги 8н-р/288-сон маълумотномаси). Мазкур тавсияномада миокардиал станнинг ташҳислашда стресс-эхокардиографиянинг ўрни, унинг касалликнинг клиник кечишидаги,

салбий ремоделланишни башоратлашдаги аҳамияти, даволаш йўллари келтирилган ва касаллик асоратларни камайтириш имконини берган;

Ўткир миокард инфарктида миокардиал станнинг ташҳисини замонавий ҳолати ва унинг клиник, прогностик ўрни бўйича ва даволаш тамойилларини такомиллаштириш бўйича ишлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро, Наманган ва Фарғона филиаллари клиник амалиётида жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 20 апрелдаги 8н-д/184-сон маълумотномаси); Олинган натижалар ўткир миокард инфаркти асоратлари ривожланишини эрта ташхислаш, касаллик клиник кечишини прогностлаш, даволашни оптималлаштириш ва асоратлар миқдорини пасайишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий ишлар нашр қилинган бўлиб, жумладан 14 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган журналларда, улардан 3 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Йирик жадваллар иловада келтирилган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўткир миокард инфарктида миокард станнинги патогенези, диагностикаси, клиник аҳамияти ва даволаш йўллари**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотларнинг шарҳи ва муаммонинг ўрганилиш даражаси батафсил келтирилган. Мавжуд адабиётлар ҳақида умумий маълумот берилган. Миокард станнингининг пайдо бўлиши механизмлари, патогенези, сабаблари, шунингдек унинг клиник ва прогностик аҳамияти батафсил тавсифланган. STэМИ билан реперфузия синдроми ва миокард станнинг мумкин бўлган даволаш усуллари адабий таҳлил қилиш ҳам амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Ўтқир миокард инфарктида чап қоринча миокард станнингини ва ремоделланиш турини баҳолаш учун клиник материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида ишнинг мақсад ва вазифаларига мос холда материал ва текшириш усуллари баён этилган. Тадқиқотда РШТЎИМ кардиотерапевтик реанимация бўлимида даволанган 21 ёшдан 70 ёшгача (ўртача ёши $56 \pm 4,3$ йил) STэМИ билан касалланган 302 нафар бемор иштирок этди. STэМИ ташхиси клиник кўриниш ва электрокардиографик мезонлар асосида ўрнатилди.

Стрептокиназа билан ТЛТ 198 (65%) беморда ўтказилди. 104 (35%) беморда бирламчи ТОКА ўтказилди. 2 соат ичида муваффақиятсиз тромболитиздан сўнг қутқарувчи ТОКА 13 (4,5%) беморларда, муваффақиятли тромболитиздан кейин 48-72 соат ичида кечиктирилган ТОКА 172 (58%) амалга оширилди.

Барча беморларга антиагрегант, антикоагулянтлар, бета-адреноблокаторлар, статинлар, АЎФ ингибиторлари, нитратлар, глюкоза-инсулин-калий-магний аралашмаси даво схемалари буюрилди. Агар кўрсатмалар мавжуд бўлса диуретиклар, наркотик анальгетиклар, антиаритмик препаратлар қўлланилган.

Кверцетиннинг миокарднинг қайтар дисфункцияси ва ремоделланишга таъсири тромболитик терапия ва ТОКАдан олдин препаратни томир ичига юборган STэМИ бўлган 66 беморда ўрганилди. Назорат гуруҳига 66 нафар STэМИли бемор киритилган.

Аторвастатиннинг станнинг зоналарига таъсирини билиш учун унинг юқори дозалари (80 мг) 82 беморга миокард реперфузиясидан олдин берилди. Назорат гуруҳи кунига 20 мг дозада аторвастатинни қабул қилган 82 бемордан иборат эди.

Тадқиқот жараёнида касалликнинг клиник кечиши хусусиятлари, электрокардиографик ўзгаришлар динамикаси ва марказий гемодинамиканинг параметрлари ўрганилди. Беморлар умумий клиник текширувдан ўтказилди, электрокардиография, эхокардиография ва добутамин билан стрессли эхокардиография, коронарография ва лаборатор таҳлиллар ўтказилди.

Касалликнинг 5-8-кунларида бемор ҳолати барқарорлашдан сўнг, қайтар дисфункцияли миокардни (карахтлашган миокард) аниқлаш учун добутамин билан стресс-эхокардиография ўтказилди. Синовни ўтказиш учун добутамин-гексал (Нехал, Германия) препарати ишлатилди. Препаратнинг чиқарилиш шакли – флаконда, инфузия 250 мг добутамин лиофилизатини ўз ичига олади. Добутамин инфузияси инфузион насос ёрдамида юборилди, 3 минут давомида 5 мкг/кг/мин дан бошлаб, дозани босқичма-босқич 20 мкг/кг/минга оширилади. Тадқиқотдан олдин беморнинг клиник ҳолати, қон босими, юрак уриши сони ва ЭКГ параметрлари баҳоланади. Добутаминли стресс-ЭхоКГнинг ҳар бир босқичи учун глобал, регионар қисқарувчанлик, диастолик ЧҚ функциялари кўриб чиқилди. Регионар қисқарувчанликни сифатли баҳолаш 16 сегментли моделнинг 4 балли шкаласида ўтказилди. 1 балл-нормокинез, 2 балл - гипокинез, 3 балл - акинезия, 4 балл - дискинезия.

Регионар қисқарувчанлик кўрсаткичлари 1 балл ёки ундан кўпроқ яхшиланган сегментлар ҳаётий (карахлашган миокарда, станнинг) деб ҳисобланди. Агар контрактиликнинг кучайиши ёки ёмонлашиши бўлмаса, ҳаётий миёкард тести салбий деб ҳисобланди. Тестнинг ҳар бир босқичи учун регионар қисқарувчанлик бузилиши индекси (РҚБИ) ҳисобланган.

Коронар ангиография "Philips" (Голландия) фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган "Allura FD 20" ангиографик ускунасида маҳаллий анестезия остида (20 мл 0,5% новокаин эритмаси) S. Селдингер бўйича сон артериясини пункцияси ва M.Jadkins усули бўйича тери орқали катетер киритилиши билан ўтказилди. Тож артериядаги қон оқимини таҳлил қилиш ТІМІ шкаласига мувофиқ амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Ўткир миокард инфарктида чап қоринча миокарди ва коронар томирлар тизимининг клиник-морфологик шикастланиши хусусиятлари, миокард реперфузиясининг бевосита натижалари**» деб номланган учинчи бобида шахсий тадқиқот натижалари берилган.

Реперфузия кўрсаткичларига қараб, беморлар 3 гуруҳга бўлинган: **1-гуруҳ** - 196 (65%) муваффақиятли реперфузия кузатилган беморлар (ST сегментининг тўлиқ резолюцияси билан); **2-гуруҳ** - қисман реперфузия бўлган 76 (25%) беморлар (ST сегменти 30% дан кўпроқ, лекин бошланғич даражадан 70% дан кам қайиши), **3-гуруҳ** - реперфузия муваффақиятсиз 30 (10%) беморлар (ST кўтарилиши, динамикасининг йўқлиги, ST баландлигининг бошланғич даражадан 30% дан камроққа пасайиши).

Ҳар уч гуруҳдаги беморларда миокард реперфузиясидан кейинги биринчи кун тинч ҳолатда икки ўлчовли ЭхоКГ ўтказилганда, ЧҚ глобал систолик функциясининг кўрсаткичларининг пасайиши қайд этилди. ЧҚХФ уччала гуруҳдаги беморларда қайиши. Ушбу кўрсаткичнинг $40,5 \pm 0,5\%$ гача сезиларли даражада пасайиши 3-гуруҳдаги реперфузия муваффақиятсиз бўлган беморларда кузатилди ($p < 0,05$). 1 ва 2-гуруҳлардаги реперфузия муваффақиятли ва қисман муваффақиятли бўлган беморларда ЧҚ ХФ си мос равишда $47,5 \pm 0,5\%$ ва $46,3 \pm 0,3\%$ ни ташкил этди.

Беморларнинг барчасида у ёки бу даражада регионар қисқарувчанлик бузилиши (асинэргия) соҳалари борлиги аниқланди. Ўткир ЧҚ аневризмаси 25 (8,2%) беморда кузатилди. Чап қоринчанинги регионар қисқариш функциясини сифатли таҳлил қилиш учун 4832 та сегмент ўрганилди, шундан 2802 (58%) нормокинетик, 957 (19,8%) гипокинетик, 676 (14%) акинетик, 397 (8,2%) дискинетик эди. Регионар қисқарувчанлик бузилиши индекси ўртача $1,74 \pm 0,04$ ни ташкил этди.

1-гуруҳдаги беморларда ўрганилган сегментларнинг умумий сони 3136 тани ташкил этди, улардан 1883 йилда (60%) нормокинезия, 942 (30%) да гипокинезия, 311 да (10%) акинезия. 1-гуруҳдаги беморларда дискинезия зоналари аниқланмаган. РҚБИ $1,48 \pm 0,03$ ни ташкил этди. 2-гуруҳда ўрганилган 1216 сегментдан нормокинезия 705 (58%), гипокинезия - 284 (23,3%), акинезия-170 (14%), дискинезия-57 (4,7%)да қайд этилган. РҚБИ

1,65±0,03 ни ташкил этди. 3-гуруҳда 480 та сегмент текширилди. Нормокинезия зонаси 243 (51%), гипокинезия - 37 (8%), акинезия - 90 (19%), дискинезия - 110 (22,9%) да қайд этилган. РҚБИ 2,13±0,03 ни ташкил этди. РҚБИ кўрсаткичи 3-гуруҳдаги беморларда сезиларли даражада юқори бўлиб, улар орасида акинезия ва дискинезия зоналари 2 ва 1 гуруҳларга қараганда кўпроқ аниқланган ($p<0,01$).

Барча гуруҳлардаги беморларда регионар ЧҚ систолик функцияси бузилганлиги: асинергия 1-гуруҳда 6,4±0,01, 2-гуруҳда 6,8±0,01, 3-гуруҳда 7,9±0,02 сегментларда ва нормал миокард 1-гуруҳда 9,6±0,03, 2- гуруҳда 9,2±0,02, 3-гуруҳда 8,1±0,02 сегментларда қайд қилинди. 3-гуруҳдаги беморларда асинергик сегментлар сони статистик аҳамиятли даражада кўпроқ ва нормокинетик сегментлар сони сезиларли даражада кам бўлганлигини кўриш мумкин ($p<0,05$).

Гуруҳларда ОДХ ва ОСХ индекси 79,3±3,3 ва 41,7±1,9 мл/м², 79,5±5,7 ва 42,6± 8,2мл/м², 81,5±5,6 ва 48,6±6,8 мл/м² ни ташкил этди. Индексланган ҳажмларнинг нормал кўрсаткичлари 57,9±2,9 ва 22,8±3,27 мл/м² ни ташкил этди. Таҳлил шуни кўрсатдики, индексланган кўрсаткичларга нисбатан, ОДХ ва ОСХ мутлақ кўрсаткичларини солиштирганда бир хил қонуниятлар сақланиб қолади: миокард реперфузияси самарасиз бўлган беморларда ЧҚнинг ОСХ индекси энг катта ўзгаришларни бошдан кечирди ва кенгайишнинг максимал тенденцияси кузатилди ($p<0,05$).

Миокард массаси индексини таҳлил қилинганда 3-гуруҳдаги беморлар назорат билан таққосланганда, миокард массасининг кўпайганлиги аниқланди ($p<0,01$). Шундай қилиб, у 1-гуруҳда 96,6 ± 5,2 г/м², иккинчисида - 110,3±5,4 г/м², 3-да - 127,3 ± 6,9 г/м² ни ташкил этди.

Чап қоринча диастолик функцияси дастлаб ўрганилганда, 1, 2 ва 3-гуруҳлардаги беморларда ЧҚ эрта тўлишининг максимал тезлиги (Е) мос равишда 58,0±2,4, 56,0±2,6 ва 110,0±2,2 см/сни ташкил этди. ЧҚ диастолик функциясининг интеграл кўрсаткичи Е/А нисбати мос равишда 0,83±0,02, 0,79±0,02 ва 2,2±0,02 ни ташкил этди ($p>0,05$). Эрта ЧҚ тўлишининг тезлиги интегралли (VTIE) муҳим гуруҳлараро фарқларсиз мос равишда 9,8±0,6, 9,6±0,5 ва 9,0±0,6 см эди. Уч гуруҳдаги беморларда ЧҚ миокарднинг изовольюмик релаксация вақти мос равишда 100±5,0, 103±5,6 ва 108±5,1 мс ни ташкил этди ($p>0,05$).

Дастлабки доплер-эхокардиографияга кўра 302 беморнинг 242 тасида (80,0%) I даражали, 15 тасида (5%) II даражали (псевдонормал), 45 тасида (15%) III даражали (рестриктив) ЧҚДД белгилари аниқланди. Адекват реперфузияга эга бўлган 1-гуруҳдаги беморларнинг 97% да релаксация бузилиши типидagi диастолик дисфункция, 3% эса псевдонормал диастолик дисфункция аниқланди. Ушбу гуруҳда диастолик дисфункциянинг рестриктив тури қайд этилмаган. Диастолик дисфункциянинг псевдонормал тури 3-гуруҳдаги беморларда 13%, 2-чи - 6%, 1-чи - 3% да қайд этилган.

Миокардиал станнинг диагностикасида кичик дозадаги добутаминли стресс-эхокардиография кўрсаткичлари


Добутаминнинг кичик дозалари билан инотропик стимуляция билан барча гуруҳлардаги беморларда диастолик ЧҚ ҳажми сезиларли даражада ўзгармади, гарчи у камайиш тенденциясига эга бўлсада ($p>0,05$). Добутамин киритиш билан ЧҚ ОСХ 1-гуруҳда 11% ва 2-гуруҳда 4,3%га ($p<0,05$) сезиларли пасайиш кузатилди. Бироқ, 3-гуруҳда ЧҚ ОСХ ишончилилик даражасига етмасдан атиги 1,2%га камайган. Добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан ЧҚ ОСХнинг пасайиши ЧҚ ЗХ 1-гуруҳда $72\pm 1,3$ дан $79\pm 1,3$ млгача, 2-гуруҳда $76,3\pm 1,5$ дан $79,3\pm 1,5$ млгача ошиши билан бирга кечди. 3-гуруҳда дастлаб $69\pm 1,3$ млни, добутамин кичик дозаларида $70\pm 1,3$ мл ташкил этди ($p>0,05$). ЧҚ ХФ 1-гуруҳда $47,5\pm 0,3$ дан $52,5\pm 0,5\%$ ($p<0,01$) гача, 2-гуруҳда 46,3 дан 48,3%гача ($p<0,05$) сезиларли даражада ошди. 3-гуруҳдаги беморларда добутаминнинг кичик дозаларини қўллаш бу кўрсаткичга деярли таъсир қилмади ($p>0,05$).

1-гуруҳга киритилган 196 беморда 3136 та сегмент текширилди, улардан 1253 тасида (40%) асинергия бор эди. Добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан нормокинетик сегментлар сони 1883 (60,0%) дан 2791 (89%) гача сезиларли даражада ошди, гипокинетик сегментлар сони 942 (30,0%) дан 157 (5%) гача, акинетик сегментлар 311 (10%) дан 188 (6%) гача камайди. Кичик дозаларда бошланғич асинергияси бўлган сегментларнинг аксарияти нормокинетик бўлиб, улардаги дастлабки дисфункциянинг қайтарилишини кўрсатади. Добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан РҚБИ $1,5\pm 0,03$ дан $1,16\pm 0,03$ гача ($p<0,01$) сезиларли пасайиш кузатилди. Қайтар дисфункция 908 (29%), миокард некрози 345 (11%) сегментда аниқланди, қолган 1883 (60%) сегментда миокард нормал эди. Гипокинетик сегментлар орасида миокард станнингги кўпроқ аниқланди ($p<0,05$).

2-гуруҳдаги 76 беморда 1216 та сегмент текширилди, улардан 511 тасида (42%) асинергия бор эди. Добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан нормокинетик сегментлар сони 705 (58%) дан 912 (75%) гача сезиларли даражада ошди. Аксинча, гипокинетик сегментлар сони 284 (23,3%) дан 113 (9,3%) гача, акинетик 170 (14%) дан 142 (11,7%) гача, дискинетик - 57 (4,7%) дан 49 (4,0%) гача камайди. Добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан РҚБИда $1,65\pm 0,02$ дан $1,44\pm 0,03$ гача сезиларли пасайиш кузатилди ($p<0,01$). Қайтар дисфункция 217 (18%) сегментда, миокард некрози 304 (25%) сегментда ташхис қўйилди, қолган 705 (57%) сегментлар нормал эди.

3-гуруҳга киритилган 30 беморда 480 та сегмент текширилди, улардан 237 тасида (49%) асинергия бор эди. Дастлаб, бу гуруҳда акинезия ва дискинезия зоналари устунлик қилди. Добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан нормокинетик сегментлар сони 243 (51%) дан 288 (59%) гача ($p>0,05$) аҳамиятсиз ошди. Шунингдек, гипокинетик сегментлар сонининг 37 тадан (8%) 21 тага (4,3%), акинетик 90 тадан (19%) 72 тага (15%) ва дискинетик 110 тадан (22%) 99 гача (20,7%) камайиши кузатилди. Добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан РҚБИда сезиларли ўзгаришлар юз бермади ($p>0,05$). Ушбу гуруҳдаги беморларда миокард станнингги (қайтар дисфункция) жуда минимал (45 сегментда (9,4%)) аниқланди, қолган 192

(40%) асинэргия соҳасида некроз аниқланди. Шикастланмаган миокард ЧҚ 243 (50,6%) сегментида аниқланди.



1-расм. Текширилган гуруҳларда ЧҚ қайтар ва қайтмас асинергияли сегментларни таққослаш (*- $p<0,05$, **- $p<0,01$, ^- $p<0,001$).

Добутаминнинг кичик дозаларида 1, 2 ва 3-гуруҳларда мос равишда $4,63\pm 0,02$, $2,8\pm 0,02$ ва $1,5\pm 0,02$ сегментда қисқарувчанлик тикланди, яъни бу сегментларда миокард станнинги мавжуд эди. Қолган асинергик сегментлар добутамин юборилишига жавоб бермади, чунки бу сегментлар миокард некрози мавжуд эди. 1, 2 ва 3-гуруҳларда қайтмас дисфункция (некроз) мос равишда $1,76\pm 0,01$, $4,0\pm 0,02$ ва $6,4\pm 0,02$ асинергик сегментларда аниқланди (1-расм). 1-гуруҳда добутаминга сезгир сегментлар сони 2 ва 3-га қараганда статистик аҳамиятли даражада юқори эди ($p<0,05$). Добутаминга жавоб бермаган сегментлар 3-гуруҳда кўпроқ топилди ($p<0,05$). 1 ва 2-гуруҳларда добутаминнинг кичик дозаларида РҚБИнинг $1,5\pm 0,03$ дан $1,16\pm 0,03$ гача ва $1,65\pm 0,02$ дан $1,44\pm 0,03$ гача ($p<0,05$) сезиларли даражада камайиши, 3-гуруҳда у камайиш тенденциясига эга бўлди ($p>0,05$).

ЧҚ геометриясининг ва глобал қисқариш функциясини турли параметрлари ва ЧҚ сегментар қисқариш кўрсаткичлари билан корреляция таҳлилини ўтказишда, сегментар қисқаришнинг оғирлиги ва ЧҚ глобал ремоделланиши тавсифловчи параметрлар ўртасида корреляция аниқланди: ЧҚ ОДХ билан РҚБИ ($r=0,41$, $p=0,0001$), ЧҚ ОСХ билан РҚБИ ($r=0,39$, $p=0,0001$), самарали митрал регургитация майдони (ERO) билан РҚБИ орасида ($r=0,35$, $p=0,0001$). РҚБИ ва чап қоринча базал ва ўрта сегментларини маҳаллий ремоделланишини акс эттирувчи кўрсаткичлар ўртасида ҳам корреляция аниқланди: ERO ($r=0,35$, $p=0,0002$) ва базал даражадаги ЧҚ сфериклик индекси ($r=0,42$, $p=0,0002$), ҳамда ўрта даражадаги ЧҚ сфериклик индекси ($r=0,38$, $p=0,001$) орасида. Корреляция натижалари шуни тасдиқлайдики, ЎМИ дан кейин ЧҚ ремоделланиши ривожланишининг асосий механизми ЧҚ сегментар қисқаришининг бузилиши бўлиб, унинг бўшлиғининг кенгайиши ва сфериклашувига олиб келади.

РҚБИ нинг даражаси ва глобал ЧҚ контрактиллиги кўрсаткичи – ЧҚ ХФ ($r = -0,35$, $p = 0,0002$) ўртасида тескари корреляция аниқланди. Добутаминга сезгир сегментлар сони ва ЧҚ ХФ ($r = -0,35$, $p = 0,0002$) ўртасида кучли тўғридан-тўғри боғлиқлик ҳам аниқланди, бу ЧҚ ХФни яхшилашда ЧҚ миокардининг қайтар сегментар контрактил дисфункциясининг муҳим ролини кўрсатади. Демак, эрта реперфузия ЧҚ миокардининг қайтар дисфункционал зоналарини ривожланишига олиб келиши мумкин, бу эса ЧҚнинг геометрияси ва контрактил функциясини сақлашга ва кенгайишининг олдини олади. Добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан қайтар дисфункцияни аниқлаш ва систолик функцияни яхшиланишини олдиндан белгилайди.

ЧҚ ремоделланиши параметрларини батафсил баҳолаш учун КДД-стресс-ЭхоКГ пайтида ЧҚ деворларининг чизиқли ўлчамлари ва қалинлигини таҳлил қилдик. Добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан, МК ва ПМ даражасида қисқа ЧҚ ўқларининг пасайишига умумий тенденция мавжуд, аммо сезиларли фарқлар фақат 1-чи ва 2-чи гуруҳ беморларда систолада олинган. Бундан ташқари, дастлабки маълумотларга нисбатан 1 ва 2-гуруҳлардаги беморларда чап қоринча узун ўқининг камайиши эътиборга лойиқдир. КДД стресс-ЭхоКГ пайтида ЧҚ чизиқли ўлчамларининг пасайиши МИ ҳудудида миокард ҳаётийлигининг муҳим белгиларидан биридир.

Муваффақиятли миокард реперфузияси бўлмаган 3-гуруҳдаги беморларда систоладаги ЧҚ чўққиси ҳудудида чизиқли ўлчамлар дастлаб 1 ва 2-гуруҳларга қараганда сезиларли даражада каттароқ эди. Аммо добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан чўққида чизиқли ўлчамларнинг пасайиши кузатилмади, бу миокарднинг станнинги, некротик сегментлар ва ЧҚ аневризмалари жойларининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

КДД стресс-ЭхоКГда чап қоринча қисқа ва узун чизиқли ўлчамларининг пасайиши кузатилди, бу миокарднинг қарахтлашуви борлигидан далолатдир ва унинг бўйлама, радиал систолик функциясининг яхшиланишини кўрсатади.

КДД стресс-ЭхоКГда 16 ЧҚ сегментида девор қалинлиги динамикасини ўргандик. 1-гуруҳдаги беморларда чап қоринчанин 16 та сегментида девор қалинлиги динамикасини баҳолашда таъсирланган сегментларда девор қалинлигининг сезиларли даражада ошиши кузатилди, бу инфаркт зонасида қайтариладиган миокард дисфункциясининг мавжудлигини кўрсатади. 2-гуруҳда дастлаб таъсирланган сегментларда девор қалинлигини ошириш тенденцияси мавжуд, аммо 1-гуруҳга қараганда камроқ даражада. 3-гуруҳдаги беморларда диастола ва систолада кичик дозаларни киритиш билан ЧҚ деворларининг қалинлиги ўзгармади, бу ЧҚ миокард дисфункциясининг қайтарилмаслигини кўрсатади.

Тадқиқот шикастланган ЧҚ деворининг қалинлиги ва ЧҚ ХФ ўртасидаги тўғридан-тўғри ўртача корреляцияни аниқлади ($r = 0,66$; $p < 0,001$). Бу муносабат шуни кўрсатадики, ЧҚ миокарднинг шикастланган қисми қанчалик қалин бўлса, ЧҚ миокарднинг контрактил захираси шунчалик яхши бўлади, яъни яшовчан миокардга эга бўлиш эҳтимоли кўпроқ. РҚБИ ва шикастланган ЧҚ сегментининг девор қалинлиги ўртасида тескари ўртача корреляция кузатилди ($r = 0,68$; $p < 0,05$).

Муваффақиятсиз реперфузия билан 3-гуруҳдаги беморларда сезиларли даражада кичикроқ девор қалинлиги кузатилди. Добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан муваффақиятли ва қисман муваффақиятли реперфузия бўлган беморлар гуруҳида шикастланган ЧҚ сегменти деворларининг систолик қалинлашуви қайд этилган, бу ушбу сегментда қайтариладиган дисфункция (миокарднинг станнинги) мавжудлиги билан боғлиқ эди. ЧҚ аневризмаси билан асоратланган STэМИ бўлган беморларда ЧҚ аневризмаси соҳасидаги девор қалинлиги энг кичик эди. Гипокинезия соҳасида добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан сегментларнинг қалинлашиши акинезия ва дискинезия соҳаларига қараганда тез-тез қайд этилган. Добутаминнинг кичик дозаларини киритиш билан гипокинетик, акинетик, дискинетик сегментлар сонининг камайиши ва нормокинетик сегментлар сонининг кўпайиши инфаркт зонасида яшовчан миокард борлигининг асосий белгисидир.

КДД стресс-ЭхоКГда ремоделланиш параметрларини, МР даражаси, ЧҚ чизиқли ўлчамларини, ЧҚ девор қалинлигини бир вақтнинг ўзида баҳолаш тадқиқотнинг информативлигини ва ишонарлилигини оширади. ЧҚ деворининг қалинлиги миокард инфарктидан кейин узок муддатли даврда ЧҚ функциясининг яхшиланишини башорат қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

КДД стресс-ЭхоКГда STэМИ билан оғриган беморларда ЧҚнинг бўйлама систолик фаолияти параметрларининг динамикаси ўрганилди. Муваффақиятли реперфузияли 1-гуруҳдаги беморларда кичик дозаларда добутамин киритилганда, ҚАТ бўйлаб фиброз ҳалқанинг ҳаракатланиш амплитудаси $1,12 \pm 0,6$ дан $1,3 \pm 0,6$ см гача, ён девор бўйлаб $1,3 \pm 0,15$ дан $1,5 \pm 0,15$ см гача сезиларли даражада ошди, олд девор бўйлаб - $1,02 \pm 0,14$ дан $1,47 \pm 0,1$ гача ва пастки девор бўйлаб - $1,3 \pm 0,15$ дан $1,56 \pm 0,1$ см гача ($p < 0,01$) ошди. 2-гуруҳдаги беморларда фиброз ҳалқанинг ҳаракатланиш амплитудасининг сезиларли яхшиланиши фақат ҚАТ, ён ва пастки деворларда қайд этилган ($p < 0,05$). Олдинги девор бўйича, КДД киритиш МК нинг фиброз ҳалқасининг ҳаракатланиш амплитудасини сезиларли даражада оширмади ($p > 0,05$). Муваффақиятсиз реперфузия бўлган 3-гуруҳдаги беморларда КДД киритиш фиброз ҳалқа ҳаракати амплитудасининг яхшиланишига олиб келмади. Барча ўлчов нуқталарида бошланғич қийматлар КДДдаги қийматлардан фарқ қилмади ($p > 0,05$).

STэМИ билан оғриган беморларда КДД стресс-ЭхоКГда ЧҚ сегментар контрактил функцияси динамикасини баҳолаш учун тўқималарнинг доплерографияси ёрдамида барча деворларнинг базал ва ўрта сегментлари даражасида миокард систолик тезлигининг энг юқори даражаси ўрганилди. Гуруҳлар ўртасидаги қиёсий таҳлил сезиларли фарқларни аниқлади, гарчи 3-гуруҳдаги тезликларнинг мутлақ қийматлари олдинги ва орқа деворларнинг базал ва ўрта сегментлари даражасида систолик тезликлар 1- ва 2-гуруҳларга қараганда бир оз пастроқ эканлигини кўрсатди. Улар ҚАТ ва ён деворда сезиларли даражада фарқ қилмайди. 3-гуруҳдаги беморларда добутаминнинг кичик дозаларини киритиш ЧҚ миокард систолик тезлигининг сезиларли даражада ошишига олиб келмади, бу ЧҚ миокард дисфункциясининг қайтарилмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

КДД стресс-ЭхоКГда пайтида ЧК диастолик функциясидаги ўзгаришлар, қайтар миокард дисфункциясининг мавжудлиги билан боғлиқ. Реперфузия усуллари эрта ва самарали қўллаш ишемик миокард шикастланиши соҳасида қайтар диастолик дисфункциянинг ривожланишига олиб келди (1-жадвал).

1-жадвал

СТЭМИ билан оғриган беморларда КДД стресс-ЭхоКГда ЧК диастолик дисфункцияси даражалари динамикаси

	1-гурух (n=196)		2-гурух (n=76)		3-гурух (n=30)	
	дастлаб	КДД	дастлаб	КДД	дастлаб	КДД
I даража ДД	190- 97%	196-100%	48 - 63%	63-83%	4-13%	5-15%
II даража ДД	6 - 3%	0-0%	5 - 6%	2-2%	4-13%	4-13%
III даража ДД	0 - 0%	0-0%	23 - 31%	11-15%	22-74%	21-72%

1-гурухда адекват реперфузияга эга бўлган беморларнинг 97 фоизида релаксация бузилиши турига кўра диастолик дисфункция ва 3 фоизда диастолик дисфункциянинг псевдонормал даражаси мавжуд эди. Ушбу гурухда диастолик дисфункциянинг рестриктив тури аниқланмаган. ЧКДД II даражаси бўлган 6 беморда КДД киритиш билан ЧКДД I даражасига ўтиш қайд этилди, эҳтимол, бу миокарднинг қарахтлашган зонасида диастолик хусусиятларини яхшиланиши билан боғлиқ.

2-гурухда добутаминнинг кичик дозаларини киритиш, шунингдек, III даражали ЧКДД билан оғриган беморлар сонининг 51% га ва II даража ЧКДД 66% га камайишига олиб келди. Бинобарин, I даражадаги ЧКДД билан оғриган беморлар сони 63% дан 83% гача кўтарилди. КДДни киритиш 3-гурухдаги беморларда сезиларли ўзгаришларга олиб келмади. Диастолик дисфункциянинг рестриктив тури кўпинча миокард реперфузияси бўлмаган 3-гурухдаги беморларда топилган, бу оғир миокард дисфункцияси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

КАГ маълумотларига кўра, реперфузион терапиядан сўнг ТИМІ 3 бўйича қон оқими 1-гурухда беморларнинг 87,8% да, 2-да - 76% ва 3-да - 30% да кузатилган. 3-гурухда ТИМІ 0 (6,7%) ва ТИМІ 1 (36,6%) бўйлаб қон оқими кўп кузатилди. 3-гурухда МВГ 0 ва 1 мос равишда текширилганларнинг 33,3 ва 60% да кузатилган, бу миокарднинг тўқималарининг самарасиз перфузиясини кўрсатади. 10 (33,3%) беморда no-reflow ҳодисаси юз берди.

Бир томирли шикастланиш 1, 2 ва 3-гурухларда мос равишда 58,2, 50 ва 30% ни ташкил этди. Кўп томирли атеросклеротик шикастланиш 3-гурухдаги беморларнинг 70%, 1-гурухда 41,8% ва 2-гурухда эса 50% қайд этилган. Гурухлардаги беморларда шикастланган коронар артериялар ўртача сони 1-гурухда $2,22 \pm 1,1$ ни, 2-гурухда $3,22 \pm 1,1$ ни ва 3-гурухда эса $4,1 \pm 0,9$ ($p > 0,05$) эканлиги аниқланди. Текширилган беморларда энг кўп тож артериялардан ОҚАА ва ЎКА (97% ва 95%, мос равишда ($p > 0,05$)), кейинги ўринда АЎА (86%) ($p > 0,05$), ЧКА стволи (2,2%) шикастланиши кузатилди.

Диссертациянинг “**Миокардиал станнинг мавжудлигига қараб чап қоринчанинг ремоделланиши кўрсаткичларининг динамикаси хусусиятлари**” деб номланган IV бобда миокард инфаркти билан оғриган ЧҚ адаптив ва дезадаптив ремоделланишли беморларда унинг структур ва функционал параметрларининг қиёсий тавсифи келтирилган.

Ўтказилган МИ дан 3 ой ўтиб, 6 киши тадқиқотдан чиқарилди (3 таси ўлим сабаб, қолган 3 таси бошқа сабабларга кўра). ЧҚ ремоделланиш кўрсаткичларини ўрганиш учун 296 беморда 3 ойдан кейин эхокардиография текшируви ўтказилди. Эхокардиография натижаларига кўра беморлар 2 гуруҳга ажратилди: ЧҚнинг адаптив ремоделланиши (n=230) ва ЧҚнинг дезадаптив ремоделланиши (n=66).

МИдан сўнг 230 (77,7%) беморда ремоделланиш адаптив турига хос кечди. Уларда чап қоринча девори қалинлиги кескин ўзгаришсиз қолиб, чап қоринча миокарди массасининг, қоринча ҳажмларининг, сфериклик индекси, миокардиал стресс кўрсаткичларининг сезиларли ўсишисиз, ЧҚ геометриясининг ва систолик фаолиятининг нисбатан сақланиб қолиши билан боғлиқ юрак геометрияси ўзгариши кузатилди. 66 (22,3%) беморда ЧҚ шикастланган деворининг юпқалашиши кузатилди, унинг миокарди массасининг ошиши, бўшлигининг сезиларли дилатацияси, яъни охириги диастолик ва систолик ҳажмларининг ошиши, сфериклик индекси ва миокардиал стресснинг ошиши, систолик фаолиятидаги сезиларли камайиш, дезадаптив ремоделланиш билан кечувчи эксцентрик ремоделланишни намоён этди.

Инфарктдан кейин ремоделланиш ривожланишида миокардиал станнинг (МС) ролини аниқлаш учун биз икки гуруҳдаги беморларда юқорида тавсифланган ремоделланиш турларининг структур ва функционал параметрларини солиштирдик: 1-гуруҳ МС билан (n=45), 2-гуруҳ МСсиз (n=30). Гуруҳларда беморлар ЧҚ систолик ва диастолик функцияларининг дастлабки асосий параметрлари, шунингдек ўтказилган даво бўйича сезиларли даражада фарқ қилмади.

РҚБИнинг камайиши ЧҚ маҳаллий қисқариши индексларининг яхшиланишини кўрсатади. Касалхона даврида КДД билан СЭД натижаларида кутилганидек, МС бўлган беморлар гуруҳида РҚБИ сезиларли даражада камайди ($1,88 \pm 0,02$ дан $1,2 \pm 0,03$ гача). ЧҚ маҳаллий қисқаришининг яхшиланиши ЧҚ ҲФ ортиши ва ЧҚ ОСЎ ва ОСҲнинг камайиши билан бирга кечди ($p < 0,05$). МС бўлган беморларда 3 ойдан кейин ЧҚ систолик функциясининг яхшиланиши ЧҚ ҲФнинг $45,0 \pm 1,2$ дан $50,0 \pm 2,0\%$ гача сезиларли ўсиши шаклида кузатилди. МС бўлмаган беморларда 3 ойдан кейин РҚБИнинг пасайиши шаклида ЧҚ маҳаллий қисқаришининг яхшиланиши кузатилмади (дастлаб $1,9 \pm 0,03$, 3 ойдан кейин $2,0 \pm 0,03$) ва ЧҚ ҲФ нинг 3 ойдан кейин $46 \pm 1,3$ дан $42 \pm 2,3\%$ гача пасайиши кузатилди, бу ЧҚ контрактил функциясининг прогрессив пасайишини билдиради.

МС бўлмаган беморларда 3 ойдан кейин ЧҚнинг дилатацияси кузатилди. МС бўлмаган беморларда ЧҚ ОДҲ ва ОСҲ ҳажм кўрсаткичлари 3 ойдан кейин сезиларли даражада ошди: ОДҲ $144 \pm 6,3$ дан $170 \pm 7,3$ мл гача; ОСҲ $77 \pm 3,8$ дан $98 \pm 4,3$ мл гача ($p < 0,05$). МС бўлган беморларда ЧҚ ҳажмларини тавсифловчи кўрсаткичлар сезиларли даражада ошмаган ($p > 0,05$).

ЧК ремоделланишини тавсифловчи кўрсаткичлар, масалан ЧҚММИ ($110 \pm 4,0$ га карши $148 \pm 5,3$ гр/м²), сфериклик индекси ($0,71 \pm 0,02$ га карши $0,9 \pm 0,03$ см/м²), диастолик миокардиал стресс ($163,2 \pm 10,4$ га карши $284 \pm 13,0$ дин/см²) ва систолик миокардиал стресс ($190,2 \pm 5,5$ га карши $333 \pm 10,1$ дин/см²) 3 ойдан кейин МС бўлмаган беморларда сезиларли даражада юкори бўлган. Бу факт шуни кўрсатадики, СТЭМИ билан оғриган МС бўлмаган беморларда ЧҚ систолик функцияси бузилиши ЧҚ дезадаптив ремоделланиш ривожланишининг салбий белгисидир.

3 ойдан сўнг МС бўлган беморларда ЧҚ адаптив ремоделланиш тури ривожланиши кўпроқ кузатилди. ЧҚ ўлчамлари (ОСЎ, ОДЎ), ОДХ, ЧҚММИ кичик бўлди, ХФ кўрсаткичларининг кўпроқ ошиш тенденциялари қайд этилди.

МР нинг оғирлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳам МС бўлмаган беморларда салбий тенденцияга эга бўлиб, улар ERO (см²) нинг $0,45 \pm 0,05$ дан $0,52 \pm 0,05$ гача ўсишини кўрсатди. Аммо МС бўлган беморларда ERO (см²) нинг бошланғич қийматиға ўтиши кузатилмади, аксинча, МР даражасида ишончсиз пасайиш кузатилди. МС бўлган беморлар гуруҳида 3 ойдан сўнг МР даражаси ўртача $1,12 \pm 0,02$, МС бўлмаган беморлар гуруҳида $2,6 \pm 0,02$ ни ташкил этди ($p < 0,05$).

МС бўлган беморларда девор юпқалашиши кузатилмади. Нисбий девор калинлиги динамикаси 3 ойдан кейин гуруҳларда сезиларли даражада фарқ килди: МС бўлган беморларда 3 ойдан кейин бу кўрсаткич $0,4 \pm 0,03$ ни, МС бўлмаган беморларда эса $0,28 \pm 0,01$ ни ташкил этди ($p < 0,05$).

МС бўлган беморларда тўқима доплерографиясига кўра деворлар систолик тезлиги сезиларли даражада ошди: ҚАТ бўйича $5,4 \pm 0,26$ дан $5,9 \pm 0,2$ см/сгача, ЁД бўйича $6,7 \pm 0,14$ дан $7,3 \pm 0,18$ см/сгача, ОД бўйича $5,08 \pm 0,05$ дан $6,2 \pm 0,05$ см/сгача, ПД бўйича $5,0 \pm 0,05$ дан $6,2 \pm 0,05$ см/сгача ($p < 0,05$). МС бўлмаган беморлар гуруҳида тўқима доплерографиясига кўра деворлар систолик тезлиги пасайиш тенденциясига эга бўлди: ҚАТ бўйича $5,45 \pm 0,24$ дан $5,4 \pm 0,24$ см/с гача, ЁД бўйича $6,3 \pm 0,42$ дан $6,22 \pm 0,42$ см/с гача, ОД бўйича $4,88 \pm 0,26$ дан $4,64 \pm 0,26$ см/с гача, ПД бўйича $5,6 \pm 0,2$ дан $5,3 \pm 0,24$ см/с гача.

Қайтар ишемик дисфункцияси бўлган сегментларда ЧҚ деворининг калинлиги текширилган гуруҳларда мос равишда $1,12 \pm 0,1$, $1,10 \pm 0,1$ ва $0,9 \pm 0,2$ смни ташкил этди; гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ топилмади. Қайтмас дисфункцияга эга бўлган сегментларнинг девор қалинлиги 3-гуруҳдаги беморларда сезиларли даражада камроқ эди, уларда реперфузия муваффақиятсиз бўлган ва миокарднинг карахтлашган зоналари энг кам даражада аниқланган ($p < 0,001$) (2-жадвал).

2-жадвал

СТЭМИ билан оғриган беморларнинг турли гуруҳларида қайтар ва қайтмас ишемик миокард дисфункцияли сегментларидаги девор қалинлиги нисбати

	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
Дастлабки РҚБИ	$1,5 \pm 0,03$	$1,65 \pm 0,02^{***}$	$2,13 \pm 0,03^{***\wedge\wedge}$
КДД да РҚБИ	$1,16 \pm 0,03$	$1,44 \pm 0,03^{***}$	$2,07 \pm 0,03^{***\wedge\wedge}$

Добутаминга сезгир сегментлар сони	4,63±0,02	2,8±0,02***	1,5 ± 0,02***^^^
Добутаминга сезгирмас сегментлар сони	1.76±0,01	4,0± 0,02***	6,4 ± 0,02***^^^
Қайтар дисфункцияли сегментлар девори қалинлиги	1,10±0,1	1,10±0,1	0,9±0,2
Қайтар дисфункция аниқланган сегментларда 3 ойдан сўнг девори қалинлиги	1,11±0,1	1,10±0,1	0,92±0,1
Қайтмас дисфункцияли сегментлар девори қалинлиги	1,1±0,1	1,02±0,1*	1,0±0,08**
Қайтмас дисфункция аниқланган сегментларда 3 ойдан сўнг девор қалинлиги	0,96±0,1	0,8±0,1*	0,68±0,08**

Изоҳ: *- 1-гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқлар сезиларли (*- $p < 0,05$, **- $p < 0,01$, ***- $p < 0,001$), ^ - 2- гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқлар муҳим (^^^ - $p < 0,001$)

Шу билан бирга, қайтмас дисфункцияли сегментларнинг девор қалинлигида ҳам сезиларли фарқ бор эди: мос равишда $0,96 \pm 0,1$, $0,8 \pm 0,1$ ва $0,68 \pm 0,08$ смни ташкил этди ($p < 0,01$). Шундай қилиб, деворнинг юпқалашиш соҳасида добутаминнинг кичик дозаларига жавобан етарли кинетика йўқлигини, бу эса ушбу зонада ҳаётий миокард йўқлигини кўрсатади. Бу соҳадаги девор одатда тўқималарнинг некрози (кейинчалик чандик) билан ифодаланади.

Шундай қилиб, МИдан кейинги чап қоринча дисфункциясида миокарднинг ҳаётийлигини ташхислашнинг мезонлари куйидагилардир: стресс-ЭхоКГда РҚБИ камайиши, 2 ёки ундан ортиқ сегментларда қисқарувчанлик ошиши, МР даражасининг камайиши ва текширилган сегментларда миокарднинг систолик тезлигининг ошиши ва қоринча девори қалинлигининг стресс пайтида ошиши. Миокард ҳаётийлигини ташхислаш учун мезонларнинг сезгирлиги 98%, спецификлик 91%, ижобий башорат қилиш аниқлиги 85% ва салбий башорат қилиш аниқлиги 94% ни ташкил этди.

Тадқиқотда МИ билан оғриган беморларнинг клиник кечиши ва функционал ҳолатига миокардни станнингининг таъсирини аниқлаш учун 75 нафар беморлар 2 кичик гуруҳга ажратилиб текширилди: 1- гуруҳ миокард станнинг бор 45 бемор; 2- гуруҳ миокард станнинг аниқланмаган 30 бемор. Шаклланган гуруҳлар жинси, ёши, юрак ишемик касаллигининг давомийлиги бўйича сезиларли даражада фарқ қилмади.

Миокардиал станнингли беморларда уч ойлик терапия фонида ЮЕ клиник кечиши таҳлил қилганда, енгил жисмоний зўриқиш ва тинчликда

нафас сиқилиши билан оғриган беморлар сонининг сезиларли даражада камайиши (46,4% дан 17,4% гача, $p=0,039$), оёқларнинг шишиши - (17,7% дан 0% гача, $p<0,01$) ва ўпкада нам хириллашлар (39,3% дан 0, $p<0,01$) камайди. Клиник ҳолатнинг яхшиланиши ШОКС шкаласи бўйича умумий баллнинг (5 (3; 7) дан 2 (1; 2) гача), $p<0,01$), барқарор стенокардия ўртача ФС (2,5 дан (2,0)) сезиларли даражада пасайиши билан бирга келди. Шунингдек ЮЕ ФС 3,0 дан 2,0 (3,0; 2,0) гача пасайиши кузатилди ($p<0,05$). ЮЕ ФС II ($p<0,05$) билан оғриган беморлар сонининг сезиларли ўсиши, ЮЕ III ФС билан касалланганлар сонининг камайиши ($p<0,05$) туфайли ЮЕ нинг ўртача ФС ($p<0,01$) пасайиши кузатилди. Терапия фонида МС билан оғриган беморларнинг клиник аҳволи яхшиланганига қарамай, шунини таъкидлаш керакки, 3 ой давомида такрорий касалхонага ётқизиш 3 та бемор (6,6%) ва 1 та беморда ўлим қайд этилди (2,2%).

МС бўлмаган беморлар гуруҳида нафас сиқилиши ва юрак уриши бўлган беморлар сонининг камайиши сезиларли эмас эди. Шу билан бирга, шиш (58,1 дан 11,8% гача, $p<0,05$) ва ўпкада нам хириллашлар (57,1 дан 5,9% гача, $p<0,05$) бўлган беморларда сезиларли пасайиш кузатилди, бу стандарт терапиянинг етарлилигини кўрсатади. Стабил зўриқиш стенокардияси ($p>0,05$) ва ЮЕ ($p>0,05$) ФС нинг пасайиш тенденцияси сезиларли эмас эди. Назорат гуруҳида 3 ой давомида 4 та бемор такрорий касалхонага ётқизилди (13,3%) ва 2 нафар беморда (6,6%) ўлим қайд этилди. Назорат гуруҳидаги 1 бемор дастлабки текширувдан кейин кейинги кузатувдан бош тортди.

Диссертациянинг «**STэМИда миокардиал станнинг, чап қоринча ремоделланиши кўрсаткичларига турли хилдаги реперфузия, фармакологик кардиопротекция ва прекодиционирланишнинг таъсири**» деб номланган V бобида STэМИ ЧҚ ремоделланиши ва миокардиал станнингга кўрсаткичларига турли хилдаги реперфузия ва кардиопротекция усуллари нинг таъсири натижалари келтирилган. Реперфузия усули ва чап қоринча функционал ҳолатидаги ўзгаришлар орасида боғлиқликни аниқлаш учун биз кузатган беморлар 3 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ-ТОКА бажарилган 104 бемор; 2-гуруҳ- тромболитик терапиядан сўнг ТОКА ўтказилган 172 бемор; 3-гуруҳ- ТЛТ ўтказилган 26 бемор.

ЧҚ систолик функция кўрсаткичларини таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, турли гуруҳдаги беморларда РКБИ, ЧҚ ХФ, ЧҚ ОДХ, ЧҚ ОСХ ва ЧҚ ЗХ натижалари таққосланганда улар орасида аҳамиятли фарқ аниқланмади. 1, 2 ва 3 гуруҳли беморларда стресс-эхокардиография пайтида миокардиал станнинг зоналари мос равишда $4,4\pm 0,02$, $4,5\pm 0,02$ ва $4,35\pm 0,02$ сегментларида ($p>0,05$) миокард станнинг зоналари аниқланди. Миокард некрозининг зонаси мос равишда $1,6\pm 0,01$, $1,5\pm 0,02$ ва $1,65\pm 0,02$ та ЧҚ сегментларида аниқланган. КДД стресс-ЭхоКГда барча гуруҳдаги беморларда РКБИ сезиларли пасайишига олиб келди. Бундан ташқари, добутаминнинг киритилиши ЧҚ ОСХнинг сезиларли пасайишига ва барча гуруҳдаги беморларда ЧҚ ХФ нинг

кўпайишига ёрдам берди. Текширилаётган беморлар юрак ичидаги гемодинамиканинг асосий кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Реперфузия турига қараб гуруҳларда юрак ички гемодинамикасининг асосий кўрсаткичларининг қийматлари

	1-чи гуруҳ	2-чи гуруҳ	3-чи гуруҳ
	ТОКА, n=104	ТЛТ+ТОКА, n=172	ТЛТ, n=26
станнинг сегменти (n)	4,4±0,02	4,5±0,02***	4,35±0,02^^^
некроз сегменти (n)	1,6±0,01	1,5±0,02***	1,65±0,02*^^^
РҚБИ	1,68±0,02	1,7±0,02	1,72±0,02
КДД да РҚБИ	1,25±0,02	1,23±0,02	1,28±0,02
3 ойдан сўнг РҚБИ	1,28±0,02	1,26±0,02	1,38±0,02***^^
ЧҚ ҲФ, %	47,1±1,7	47,5±1,2	46,9±1,3
КДДда ЧҚ ҲФ	49,2±1,8	49,3±1,2	48,9±1,3
3 ойдан сўнг ЧҚ ҲФ	49,0±1,8	49,2±1,5	47,8±1,4
ЧҚ ОДХ, мл	152,3±2,3	151,2±2,3	152,4±2,0
КДД да ЧҚ ОДХ	150±2,3	149,1±2,5	151,6±2,0
3 ойдан сўнг ЧҚ ОДХ	156±2,3	155±2,3	160±2,3
ЧҚ ОСХ, мл	80,8±2,1	79,4±2,0	80,9±2,2
КДД да ЧҚ ОСХ	76,2±1,3	75,6±1,7	77,5±1,6
3 ойдан сўнг ЧҚ ОСХ	79,6±2,0	78,7±2,1	84,5±1,83*
ЧҚ ЗҲ, мл	71,5±3,6	71,8±3,7	71,5±3,5
КДД да ЧҚ ЗҲ	73,8±2,5	73,5±2,4	74,1±2,44
3 ойдан сўнг ЧҚ ЗҲ	76,4±2,33	76,3±2,28	75,2±2,4

Изоҳ: *-1-гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (*-p<0.05, ***-p<0.001), ^-2-гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (^^^p<0.001)

3 ойдан кейин 1 ва 2-гуруҳ беморлари минтақавий контрактилик ва глобал систолик ЧҚ функцияси кўрсаткичлари яхшиланганлигини кўрсатдилар. Фақат ТЛТ ўтказилган 3-гуруҳ беморларда, шунингдек, ЧҚҲФ ва РҚБИ яхшиланиш тенденцияси бор эди, лекин бу ўзгаришлар ТОКА ва ТЛТ+ТОКА беморлар гуруҳида статистик аҳамиятли эди. ТОКА ва ТЛТ+ТОКА гуруҳларидаги беморларнинг кўрсаткичларини таққослашда статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар йўқ эди, бир хил частотада миокард станнинг зоналари топилди. Уч ой ўтгач, ТОКА ва ТЛТ+ТОКА бажарилган беморларда фақат ТЛТ ўтказилган беморларга нисбатан миокард станнинг зоналарида сезиларли пасайиш кузатилди. ТЛТ гуруҳида ТЛТ+ТОКА ва ТОКА гуруҳларига нисбатан РҚБИ динамикаси ишончсиз эди.

3 ойдан кейин ТОКА ва ТЛТ+ТОКА бўлган беморларда ЧҚ ОСХ сезиларли даражада камайди, бу ўМИда ТОКА нинг кардиопротектив таъсирини кўрсатади. Фақат ТЛТ билан реперфузия қилинган беморлар

гурухида эса аксинча ЧҚ ОСХ $80,9 \pm 2,2$ дан (базис) $84,5 \pm 1,83$ ($p < 0,05$) гача ошиши қайд этилган, гарчи добутаминнинг паст дозалари билан ОСХ камайган бўлса ҳам. ТЛТ билан реперфузия бажарилган беморларда 3 ойдан кейин ЧҚ ОСХнинг кўпайиши прогрессив чап қоринчанинг инфарктдан кейинги зўрайиб борувчи ремоделланиши, унинг бўшлиғининг кенгайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Барча гуруҳдаги беморларда ЧҚХФ ўхшаш динамикага эга эди. ТОКА ва ТЛТ+ ТОКА гуруҳларида 3 ойдан кейин нормокинезия билан сегментлар сони сезиларли даражада ошди ва гипокинезия ва акинезия билан сегментлар сони камайди, бу ўМИда ЧҚ дисфункциясининг қайтарилишини кўрсатади. ТЛТ гуруҳида нормокинезия соҳалари ҳам кўпайган ва гипокинезия соҳалари камайган. Аммо 3 ойдан кейин акинезия ва гипокинезия билан сегментларнинг ўртача сони ТОКА ва ТЛТ+ТОКА гуруҳига қараганда кўпроқ эди.

3 ойдан сўнг фақат ТЛТ олган 26 та бемордан 18 тасида (69%), ТЛТ+ТОКА ўтказилган 172 бемордан 45 тасида (22%) ва фақат ТОКА ўтказган 104 бемордан 20 тасида (19,2%) ЧҚ ремоделланишининг дезадаптив тури ривожланди.

АКШнинг STэМИдан кейин миокард ҳаётлиги ва чап қоринча ремоделланишига таъсири ўрганиш учун Q тишли (олдинги локализацияли) ўМИ ўтказган 20 беморлар текширилди. АКШ 2 ойлик кузатувдан сўнг бажарилди. Ўткир даврдаги беморларга реперфузия терапияси сифатида ТЛТ ўтказилди. ТЛТ дан кейин коронар ангиография ўтказилди, унда 8 ҳолатда ЧКА стволининг шикастланиши, 4 ҳолатда икки томирли шикастланиш ва 8 ҳолатда уч томирли шикастланиш аниқланди. Ўртача ЧҚ ХФ (Simpson бўйича) бу ўртача $44 \pm 2,2\%$ ва ЧҚ ОДХ $165 \pm 6,0$ млн ташкил этди. АКШ учун номзодлар клиник маълумотлар (ишемия ва юрак етишмовчилиги белгилари мавжудлиги), коронар ангиография (ЧКА стволининг зарарланиши, коронар тизимда кўплаб зарарланиш, кўптомирли шикастланишларда), эхокардиографияда (ЧҚХФ ва ЧҚ ОДХ бўйича систолик функциянинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда), шунингдек, қайтар миокард дисфункциясини аниқлаш учун КДД стресс-ЭхоКГ асосида танланган. 4-жадвалда АКШ олдин ва 3 ойдан кейин асосий клиник ва эхокардиографик кўрсаткичлар келтирилган.

4-жадвал

АКШдан олдин ва 3 ойдан сўнг клиник-эхокардиографик кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	АКШ гача	3 ойдан сўнг	p
Ишемия белгилари	18 (90,0%)	0	<0,001
ЮЕ симптомлари			
НУНА бўйича 3 ФК	20 (100,0%)	0	<0,001
НУНА бўйича 2 ФК	0	2 (10,0%)	>0,05
ЧҚ ОДХ, мл	$165 \pm 6,0$	$164 \pm 6,0$	>0,05
ЧҚ ОСХ, мл	$72,6 \pm 2,4$	$77 \pm 2,0$	>0,05
ЧҚ ХФ, %	$44,0 \pm 2,2$	$47,0 \pm 2,0$	>0,05

РҚБИ	1,8±0,05	1,35±0,03	<0,001
Асинэргик сегментлар	4,8±0,05	1,5±0,05	<0,001
ДСЭ да қайтар миокард дисфункцияли сегментлар	3,77 ± 0,05	0	
ДСЭ да қайтмас миокард дисфункцияли сегментлар	1,03 ± 0,05	0	

Олдинги Q тишчали ўМИ бўлган беморларда АКШ уларнинг клиник ҳолатига ижобий таъсир кўрсатди. АКШдан кейин ишемия белгилари йўқолди, ЮЕ белгилари фақат 2 (10%) беморларда қолди. ЭхоКГ маълумотларига кўра, 3 ойдан сўнг, АКШ ЧҚ ҲФнинг 44±1,2 дан 47±1,0% гача ўсишига ҳисса қўшди ($p<0,05$) ва ЧҚ ҳажми кўрсаткичларининг сақланиши (операциядан олдин ва кейин ОДХ 165±6,0 ва 164±6,0 мл, $p>0,05$). АКШ дан кейин ЧҚ нинг минтақавий систолик функцияси кўрсаткичи РҚБИ сезиларли даражада камайди ($p<0,05$). АКШдан олдин миокард асинергия зонаси 4,8±0,05 ни сегментни, операциядан 3 ой ўтгач - 1,5±0,05 сегментни ташкил этди. АКШ олдин яшовчан миокард зонаси 3,77±0,05 ЧҚ сегментида аниқланган эди. Бинобарин, тўлиқ хирургик ревазуляризация қайтар ЧҚ дисфункцияси (станнинг) соҳаларида қисқарувчанлик функцияни тиклашга олиб келди ва ЧҚ асинергия зонасининг пасайишига ёрдам берди.

STэМИда кверцетиннинг миокард станнинги ва 3 ойдан кейинги чап қоринча ремоделланишига таъсири ўрганилди. Иккала гуруҳда ҳам КДД киритиш билан ЧҚнинг охири-диастолик ҳажми пасайиш мойиллигига эга, аммо сезиладиган гуруҳлараро фарқ йўқ эди ($p>0,05$). Кверцетин гуруҳи ва назорат гуруҳи добутаминнинг кичик дозалари фонидада чап қоринча охири систолик ҳажми мос равишда 87,0±1,4 ва 87,0±1,2 дан 71,0±7,8 ва 74,0±7,6 млгача сезиларли даражада камайди. Миокард реперфузияси даврида ЧҚ ОСХнинг энг аниқ пасайиши кверцетин қабул қилинган 1-гуруҳ беморларида кузатилди ($p<0,05$). ЧҚ 3Х гемодинамик кўрсаткичи ҳам 88,8±0,8 млга нисбатан 91,5±0,9 млга кўтарилди ($p<0,05$). Добутаминнинг кичик дозаларида ЧҚ ҲФ 1 ва 2-гуруҳлардаги беморлар сезиларли даражада 56,4±0,5 ва 53,4±0,5% гача кўтарилди ($p<0,01$). Кверцетин билан даволанган беморлар гуруҳида ЧҚ ҲФда сезиларли ўсиш пайдо бўлди ($p<0,01$).

Кверцетин гуруҳида добутаминнинг паст дозаларидаги барча асинергик сегментларнинг 6,32±0,16 сегментлари контрактил функциясини тиклади ва назорат гуруҳида 5,66±0,14 бўлди, чунки бу сегментларда миокард станнинги мавжуд эди. Қолган асинергик сегментлар добутаминни қабул қилишга жавоб бермади, чунки бу сегментларда миокард некрози (қайтариб бўлмайдиган дисфункция) қайд этилган. 1 ва 2-гуруҳларда қайтмас дисфункция мос равишда 1,8±0,1 ва 2,45±0,1 асинергик сегментларда аниқланди. Паст дозаларда минтақавий систолик функция кўрсаткичи РҚБИ мос равишда 1,17±0,03 ва 1,25±0,03 га сезиларли даражада камайди ($p<0,01$).

Чап қоринча ҲФ глобал систолик функцияси кўрсаткичи ҳар иккала гуруҳда 3 ойдан кейин 55,4±0,6 ва 52,3±0,5% га ошганлиги кузатилди. Кверцетин гуруҳида глобал, регионар, бўйлама систолик функция ва ремоделланиш

кўрсаткичларининг яхшиланганлиги яққолроқ эди. 3 ойдан сўнг кверцетин гуруҳида чап қоринча ХФ нинг янада сезиларли ўсиши ($p < 0,05$), ҳажмий кўрсаткичларининг кескин ошмаслиги қайд этилган ($p > 0,05$).

Миокард реперфузиясини ўтказишда кверцетин қўлланилиши добутамин билан стресс-ЭхоКГ қайтар миокардиал дисфункциянинг қайд қилинишини ошишига таъсир қилади, ҳамда, ўз навбатида 3 ой оралиғида ушбу асинергик сегментларда қисқарувчанлик тезроқ қайта тикланиши кузатилди.

Аторвастатиннинг юқори дозаларини СТЭМИда миокард станнинг, ремоделланиш кўрсаткичларига таъсири баҳолаш учун 164 та бемор жалб қилинди. Беморлар 2 гуруҳга бўлинган. 1-гуруҳ аторвастатин 20 мг қабул қилган, 2-гуруҳда аторвастатин 80 мг қабул қилган. 10-куни аторвастатиннинг юқори дозалари билан даволаш умумий холестерин ($5,83 \pm 0,17$ дан $4,63 \pm 0,13$ ммол/л гача, $p < 0,001$) ва ПЗЛПП холестерин ($3,56 \pm 0,17$ дан $2,37 \pm 0,15$ ммол/л гача, $p < 0,01$) сезиларли даражада пасайишига олиб келди. 20 мг аторвастатин билан даволашда қон липидлари спектри бу кўрсаткичларда пасайиш тенденцияси мавжуд бўлсада, бошланғич даражадан сезиларли даражада фарқ қилмади. 1-гуруҳда 10 кунлик даволаш давомида умумий холестерин даражаси атиги 4,9% га, 2-гуруҳда эса 20,6% ($p < 0,001$), ПЗЛПП холестерин 13,5 ва 31,7% ($p < 0,01$) га камайган.

Иккала гуруҳдаги КФК-МВ нинг энг юқори фаоллигининг катталиги мос равишда 1800 ± 44 ва 1424 ± 36 т.бни ташкил этди, бу 1-гуруҳдаги миокард шикастланишининг оғирлигини кўрсатади. 2-гуруҳда аторвастатинни кунига 80 мг дозада эрта қабул қилиш миокард реваскуляризацияси пайтида миокарднинг кўшимча реперфузион шикастланишидан сезиларли даражада ҳимоялаган.

Терапиянинг 10-кунида иккала гуруҳдаги беморларда ЭЧТ сезиларли даражада ошиши (1-гуруҳда 2,1 карра, 2-гуруҳда 1,6 карра) ва СРП даражасининг пасайиши (мос равишда 2,65 ва 3,0 карра) кузатилган. Ушбу параметрларнинг сезиларли динамикаси аторвастатинни 80 мг дозада қабул қилинган 2-гуруҳдаги беморларда кузатилди. Шу билан бирга, 2-гуруҳда 1-гуруҳдан фарқли ўлароқ, ЎМИнинг 10-кунида периферик қон лейкоцитлари сонининг сезиларли даражада камайиши аниқланди (гуруҳлар ўртасида солиштирганда $p < 0,05$). Шундай қилиб, СРП даражасининг пасайиши ва периферик қондаги лейкоцитлар сонининг камайиши ЎМИ нинг биринчи кунидеъ аторвастатиннинг юқори дозаларнинг қўллаш муҳимлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари бўйича, 2 гуруҳ беморларида КДД билан стресс-ЭхоКГ да миокардиал станнинг зоналари сезиларли равишда кўпроқ аниқланганлиги ва 3 ойдан кейин ЧҚ систолик функциясининг яхшиланиши яққолроқ ифодаланганлиги билан тавсифланган. Аторвастатиннинг юқори дозаларини қабул қилган беморлар гуруҳида КДДда ва 3 ойдан кейин ЧҚ ХФ сезиларли даражада ошди. Гуруҳлар ЧҚ ОДХ динамикасида фарқ қилади. Шунингдек, 80 мг дозада аторвастатинни қабул қилган 2-гуруҳдаги беморларда 3 ойдан кейин ЧҚ ОСХнинг сезиларли даражада пасайиши кузатилди.

Маълумки, инфарктдан олдинги стенокардия, ишемик прекоңдиционирланишнинг клиник эквиваленти ҳисобланади. Ишемик прекоңдиционирланишнинг станнинг зоналарига таъсирини баҳолаш учун

бажарилган тадқиқотга STэМИ билан 130 нафар бемор иштирок этди. Беморларнинг икки гуруҳи ташкил қилинди: 1-гуруҳ (асосий) - миокард инфаркти (МИ) дан олдин 24-48 соат ичида инфарктдан олдинги стенокардия хуружлари бўлган 63 нафар беморлар; 2 (назорат) гуруҳи - 67 нафар инфарктдан олдинги стенокардиясиз бемор. Барча 130 бемор миокард реперфузиясидан ўтказилди.

Инфарктдан олдинги стенокардия кузатилганларда ўткир чап қоринча етишмовчилиги оғир синфлари, реперфузион аритмиялар камроқ кузатилди ва тезда беморлар ЭКГ ва клиник статуси стабиллашди. Иккала гуруҳ беморларда миокард реперфузиясидан кейинги кун ЧҚ ХФ ($47,0 \pm 0,6$ ва $45,0 \pm 0,3\%$) камайди, аммо 2-гуруҳда сезиларли фарқ аниқланмади. Касалликнинг 1-кунда 1 ва 2-гуруҳлардаги беморларда ЧҚ ОДХ мос равишда $152,0 \pm 1,2$ ва $150,5 \pm 1,1$ мл ни ташкил этди ($p > 0,05$). РҚБИ эса иккала гуруҳда мос равишда $1,57 \pm 0,05$ ва $1,6 \pm 0,05$ ни ташкил этди ($p > 0,05$). Асинэргик сегментлар сони эса мос равишда текширилган гуруҳларда ўртача $4,1 \pm 0,05$ ва $4,5 \pm 0,04$ ни ташкил қилди. Стресс-ЭхоКГ вақтида 1-гуруҳда добутаминга сезгир сегментлар $3,75 \pm 0,05$, 2-гуруҳда эса $2,9 \pm 0,02$ та қайд этилди ($p < 0,05$).

3 ойдан кейин назорат гуруҳидан 2 та беморда дезадаптив ремоделланиш ривожланди, ушбу гуруҳда ЧҚММи, ОДХ, ОСХ кўрсаткичлари асосий гуруҳга нисбатан баландроқ, аммо статистик аҳамияти сезиларли эмас ($p > 0,05$). Сфериклик индекси, конуслик индекси, ЧҚ деворини нисбий қалинлиги кўрсаткичлари орасида сезиларли фарқ аниқланмади, аммо 1 гуруҳда бу кўрсаткичлар нисбатан пастроқ эди. 2 гуруҳ беморларда ЧҚ ХФнинг 3 ойдан кейинги ўсиши 1-гуруҳга нисбатан сезиларли даражада камроқ эди (1 гуруҳда $49,8 \pm 0,8$ ва 2- гуруҳда $46,0 \pm 0,43\%$, $p < 0,05$).


Диссертациянинг «**ST элевацияли ўткир миокард инфарктида чап қоринча дисфункцияси ҳисобига салбий ремоделланишни башорат қилиш**» деб номланган VI боби инфарктдан кейинги салбий чап қоринча ремоделланишни башорат қилишга бағишланган. Эхокардиография кўрсаткичларининг дезадаптив ЧҚ ремоделланиши ривожланишига таъсир даражасини дастлабки баҳолаш учун бисериал корреляция коэффицентларини баҳолаш ўтказилди. Таҳлил шуни кўрсатдики, салбий ЧҚ ремоделланиши ривожланишига куйидаги омиллар энг катта таъсир кўрсатади: ИНРС-1, $r_{\text{бис}} = 0,59$; ИНРСстресс-1, $r_{\text{бис}} = 0,59$; ЧҚ ХФстресс, $r_{\text{бис}} = -0,54$. ЎМИ билан оғриган беморларда ДР ривожланишининг башоратли моделини яратиш учун иккилик логистик регрессия модели яратилди, бу ҳар бир омилнинг ДР ривожланишига таъсир даражасини баҳолаш имконини беради. Натижада, маълумотлар учун 3 факторли иккилик логистик регрессия тенгламаси тузилди:

$$\text{Logit}(p) = -10,3 + 4,279x_1 + 4,665x_2 - 0,217x_3$$

Бу ерда x_1 - РҚБИстресс, x_2 - РҚБИ-1, x_3 - ЧҚХФ стресс.

Логистик регрессия тенгламасига киритилган ЭхоКГ кўрсаткичларининг ҳар бири салбий ремоделланиш ривожланишининг мустақил мезони булиб, уни мустақил прогностик белги сифатида ишлатишга имкон берди. Регрессия тенгламасига киритилган эхокардиографик параметрларнинг операцион

хусусиятларини баҳолаш учун ҳар бир мустақил ўзгарувчининг сезгирлиги ва спецификлигини ҳисоблаш билан ROC таҳлили ўтказилди (2-расм).



2-расм. STэМИ билан касалланган беморларда ЧҚ ремоделланиши ривожланишини прогнозлашда муҳим эхокардиографик факторларнинг сезгирлиги ва спецификлиги.

РҚБИ (стресс) қиймати $> 1,25$ ноқулай ремоделланиш ривожланишини башорат қилишда сезгирлик ва спецификлиги мос равишда 73,1% ва 81,8% ни ташкил этди (AUC 0,82; $p < 0,001$).

ЧҚХФ (стресс) $< 42\%$ қиймати нинг сезувчанлиги ва спецификлиги ST сегменти элевацияси билан ўткир миокард инфаркти бўлган беморларда нотўғри ЧҚ ремоделланиши ривожланишини башорат қилишда мос равишда 70% ва 86% (AUC 0,73; $p < 0,001$).

ST сегменти элевацияли миокард инфарктдан кейин билан ЧҚнинг нотўғри ремоделланиши ривожланишида дастлабки РҚБИ қийматининг чегара нуқтаси $> 1,57$ лиги башоратли хусусиятлари куйидагилардан иборат эди: сезувчанлик 70% ва спецификлик 82% (AUC 0,84; $p < 0,001$).

Олинган натижалар асосида STэМИ билан оғриган беморларни бошқариш ва башоратлаш алгоритми ишлаб чиқилган ва компютер дастурига сертификат олинган (DGU 1948 2022).

ХУЛОСАЛАР

«Миокард инфарктини клиник кечиши, ремоделланиш, башоратлашда миокард станнингининг аҳамияти ва патогенетик терапия

имкониятлари» мавзусидаги фан доктори (DSc) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. STэМИ билан оғриган беморларда чап қоринчанинг глобал, регионар ва бўйлама систолик, диастолик фаолияти, ремоделланиш кўрсаткичларининг бузилиши ва МР даражасининг ошиши кузатилади. Бундай ўзгаришлар самарасиз реперфузия бўлган беморлар гуруҳида яққолроқ ифодаланди.

2. STэМИда чап қоринча дисфункцияси миокард некрози ва станнинг туфайли юзага келиши мумкин. КДД стресс-ЭхоКГ миокард дисфункцияси ҳудудларида станнинг зоналарини аниқлай олади. Добутаминнинг кичик дозаларида самарали, қисман самарали реперфузия беморлар гуруҳида, самарасиз реперфузия гуруҳига нисбатан, статистик аҳамиятли равишда ($p < 0,05$) кўплаб сегментларда контрактил функция тикланиши кузатилди, яъни ушбу сегментларда миокард станнинг мавжуд эди.

3. МИдан кейинги чап қоринча дисфункциясида миокарднинг ҳаётийлигини ташхислашнинг мезонлари қуйидагилардир: стресс-ЭхоКГда РҚБИ камайиши, 2 ёки ундан ортиқ сегментларда қисқарувчанлик ошиши, МР даражасининг камайиши ва текширилган сегментларда миокарднинг систолик тезлигининг ошиши ва қоринча девори қалинлигининг стресс пайтида ошиши. Ишемик миокард дисфункцияси бўлган беморларда добутаминнинг кичик дозаларида миокарднинг ҳаётийлигини ташхислашнинг мезонлари аниқланиши тўлиқ миокард ревазуляризациясидан сўнг бу кўрсаткичларнинг нормаллашувининг прогнози ҳисобланади.

4. Миокард станнинг аниқланмаган STэМИли беморларда, 3 ойдан кейин кўпроқ чап қоринча дезадаптив ремоделланиши қайд этилди, бу ЧҚ бўшлиғининг прогрессив кенгайиши, миокард массасининг кўпайиши, нисбий девор қалинлигининг камайиши, конуслик ва шарсимонлик бузилиши билан намоён бўлади. Миокард станнинг мавжудлиги беморларда 3 ойдан кейин чап қоринча ремоделланишининг адаптив турини ривожланишини аниқлайди. Миокарднинг станнинг мавжудлиги чап қоринча кенгайиши, митрал етишмовчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва глобал қисқарувчанлик функциянинг яхшиланишига олиб келади.

5. 3 ой кузатув мобайнида дастлаб миокардиал станнинг мавжуд беморларнинг клиник аҳволи яхшиланиши, стенокардия ва ЮЕ ФС камайиши, беморларнинг жисмоний толерантлиги ошиши кузатилди. 3 ой давомида такрорий касалхонага ётқизиш частотаси 6,6% ва ўлим даражаси 2,2% ни ташкил этди. Миокардиал станнинг бўлмаганларда клиник аҳволи яхшиланиши, стенокардия ва ЮЕ ФС камайиши, жисмоний толерантлиги сезиларли ўзгармади. 3 ой давомида такрорий касалхонага ётқизиш частотаси 13,3% ни, ўлим даражаси эса 6,6%ни ташкил этди.

6. Тромболитик терапиядан сўнг дезадаптив чап қоринча ремоделланишининг частотаси STэМИ беморларида ТЛТ + ТОКА ва стентлаш билан ТОКА бажарилганлар билан солиштирганда сезиларли даражада юқори эди ($p < 0,05$). Миокардни ревазуляризация қилиш усуллари (ТОКА ва АКШ) қайтариладиган дисфункция (станнинг) жойларида қисқарувчанлик

функцияни тиклашга олиб келди, асинергия зонасининг пасайишига ва чап қоринча қисқарувчанлик функциясини ва ремоделланишининг яхшиланишига ёрдам берди.

7. STэМИ билан оғриган беморларда юқори дозаларда аторвастатин (80 мг/сут) ёки кверцетинни вена ичига касалликнинг илк соатларидан қўллаш, ҳамда беморларда инфарктдан олдинги стенокардиянинг мавжудлиги кардиопротектив таъсири туфайли миокарднинг қайтар дисфункцияси зоналарини ривожланишига ва некроз зоналарининг чекланишига, систолик функция кўрсаткичларининг яхшиланишига ва ЧҚнинг дезадаптив ремоделаниши ривожланишини камайтиришга олиб келади.

8. STэМИ билан оғриган беморларда, миокард реперфузиясининг туридан (тери орқали аралашув ёки ТЛТ) қатъий назар, дастлабки РКБИ>1,57 (сезувчанлик 70% ва спецификлик 82%), кичик дозадаги добутаминли стресс-эхокардиографияда РКБИ> 1,25 (сезувчанлик 73% ва спецификлик 82%) ва кичик дозадаги добутаминли стресс-эхокардиографияда ЧҚ ХФ<42% (сезувчанлик 70% ва спецификлик 86%) каби муҳим предикторлардан фойдаланиб дезадаптив ремоделланишни башоратлаш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ
КАРДИОЛОГИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНЫЙ ЦЕНТР ЭКСТРЕННОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ**

КЕНЖАЕВ СИРОЖИДДИН РАШИДОВИЧ

**ЗНАЧЕНИЕ МИОКАРДИАЛЬНОГО СТАННИНГА В
РЕМОДЕЛИРОВАНИИ, ПРОГНОЗЕ И ТЕЧЕНИИ ИНФАРКТА
МИОКАРДА И ВОЗМОЖНОСТИ ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОЙ ТЕРАПИИ**

14.00.06 – Кардиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.2.DSc/Tib555

Диссертация выполнена в Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.cardiocenter.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)

Научный консультант:	Аляви Анис Лутфуллаевич доктор медицинских наук, профессор, академик
Официальные оппоненты:	Гадаев Абдугаффор Гадаевич доктор медицинских наук, профессор Розиходжаева Гулнора Ахмедовна доктор медицинских наук Раимжанов Абдулазиз Абдухафизович доктор медицинских наук
Ведущая организация	Самаркандский государственный медицинский университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре кардиологии (Адрес: 100052, город Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Осиё, дом 4. Тел/факс.: (+99871) 234-16-67; e-mail: info@cardiocenter.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра кардиологии (зарегистрирована за №___). Адрес: 100052, Мирзо-Улугбекский район, улица Осиё, дом 4. Тел/факс.: (+99871) 234-16-67;

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки №___ от __ _____ 2022 года).

Р.Д. Курбанов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

Г.У. Муллабаева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.Б. Шек

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Несмотря на достигнутые в последние годы успехи в поиске эффективных способов диагностики и лечения ишемической болезни сердца (ИБС), для нее, по-прежнему, характерно лидирующее место в структуре заболеваемости и смертности населения. По данным Глобального обзора по ишемической болезни сердца Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), примерно 1,72% населения мира страдает ИБС (т.е. 1655 на 100 000 человек). Каждый год 9 миллионов смертей во всем мире связаны с ИБС. Согласно последним рекомендациям по инфаркту миокарда с подъемом сегмента ST (ИМпST), «несмотря на снижение ранней и отдаленной смертности за счет широкого применения реперфузионных методов в последние десятилетия, показатели летальности все еще остаются высокими (госпитальная смертность 4-12%). У 22-46% перенесших крупноочаговый ИМ в ближайшие 5 лет развивается хроническая сердечная недостаточность...»¹. Приведенные данные свидетельствуют о том, что в настоящее время существует потребность в исследованиях проблем диагностики и лечения ИМпST и его осложнений.

В мире проводятся ряд научных исследований с целью достижения высокой эффективности на основе результатов новых подходов в ранней диагностике и тактике лечения ИМпST, являющейся одной из наиболее опасных форм ИБС. В связи с этим необходима оптимизация тактики лечения больных с инфарктом миокарда, включая раннюю диагностику наличия стенокардии после перенесенного заболевания, его использование при раннем прогнозировании возможных осложнений, предотвращение развития негативного ремоделирования, оценка эффекта различных фармакологических и немедикаментозных подходов, повышение эффективности лечения, снижение инвалидизации, улучшение качества и увеличения продолжительности жизни, раннее выявление развития осложнений, а также особо важно проведение научных исследований, направленных на совершенствование методов лечения.

В нашей стране особое внимание уделяется развитию медицинской сферы, адаптации медицинской системы к требованиям мировых стандартов, в том числе, повышению качества диагностики, лечения и профилактики различных сердечно-сосудистых заболеваний. В связи с этим, в соответствии с семью приоритетными направлениями стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, такие задачи, как «...повышение качества оказания квалифицированных услуг населению в первичной медико-санитарной службе...»² определяются в поднятии уровня медицинского обслуживания

¹ 2017 ESC Guidelines for the management of acute myocardial infarction in patients presenting with ST-segment elevation: The Task Force for the management of acute myocardial infarction in patients presenting with ST-segment elevation of the European Society of Cardiology (ESC), European Heart Journal, Volume 39, Issue 2, 07 January 2018, Pages 119–177

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

населения на новый уровень. Исходя из этих задач, она направлена на проведение научных исследований, направленных на совершенствование системы здравоохранения в нашей стране, в том числе на повышение качества диагностики, лечения и профилактики различных сердечно-сосудистых заболеваний, совершенствование методов неотложной терапии больных ишемической болезнью сердца, относящихся к группе высокого риска.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указами Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» за №УП-60 от 28 января 2022 года, «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы экстренной медицинской помощи» за № УП-4985 от 16 марта 2017 года, «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» за № УП-5590 от 7 декабря 2018 года, постановлением «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий VI. «Медицина и фармакология».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации³.

Научные исследования, направленные на определение жизнеспособности миокарда у кандидатов на реваскуляризацию, прогнозирование и улучшение результатов лечения при ишемической дисфункции левого желудочка, проводятся рядом научных центров и высших учебных заведений мира, в том числе: Libin Cardiovascular Institute (Канада); Union Hospital, Tongji Medical College, Huazhong University of Science and Technology (Китай); University of Maryland Medical Center (США), Rush University Medical Center (США), Keck School of Medicine (США); Montefiore Medical Center, Albert Einstein College of Medicine German Centre of Cardiovascular Research (Германия); King's College London (Лондон); University of Glasgow Institute of Cardiovascular and Medical Sciences (Шотландия); Институт сердечно-сосудистой хирургии имени Бакулева А.Н. (Россия); Национальный медицинский исследовательский центр кардиологии (Россия); Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре терапии и медицинской реабилитации (Узбекистан); а также Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи (Узбекистан).

На основе научных исследований по совершенствованию неотложных

³ Обзор международных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основании данных с сайтов: www.libin.ucalgary.ca; www.whuh.com; www.umms.org; www.rush.edu; www.keck.usc.edu; www.einsteinmed.edu; www.london.ac.uk; www.gla.ac.uk; www.hms.harvard.edu; www.endo-ern.eu; www.medicine.georgetown.edu; www.stonybrookmedicine.edu; www.bakulev.ru; www.cardioweb.ru; www.strazhesko.org.ua; www.emerge-centre.uz.

